

Паромон ойконими хусусида

Юлдуз Неъматова (СамДУ)

Паромон- Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги қишлоқ номи. Паромон ойконимининг келиб чиқиши ҳақида маҳаллий халқ орасида бир неча ривоятлар юради: “Араблар бу ерларга бостириб келган даврларда авлиёсифат Хазратишоҳ бува урушдан нолиб, тарки дунё қилиб, Оллохдан макон сўраганида: “Осмондан парча нон тушган жой сенинг манзилгоҳинг бўлади”, - деган хабар келади ва ҳозирги қишлоқдаги Тутмозор олдида осмондан яримта нон тушиб, Хазратишоҳ бувага емиш бўлади ҳамда у киши шу ерда яшаб қолади. Шунга нисбат бериб, қишлоқ Паромон деб аталган эмиш”¹. Бу халқона талкинга кўра, *пора нон (яримта нон)* отли бирикмаси ойконимнинг этимони бўлиб, кейинчалик ҳозирги шаклга келиб қолган: *пора нон / Поранон / Порамон / Паромон*.

Бу – анча содда талқин. Бизнингча, **Паромон** ойконимининг таркиби *пар, мон* каби маъноли қисмлардан иборат. **Пар** тарихий – этимологик жиҳатдан қадимий эроний тилларга мансуб бўлиб, юқори, баланд, баландлик маъноларини англатган². **Пар** форманти **пар// бар// пар // пан // пал// фан** сингари фонетик вариантларда бир қатор тарихий топонимлар таркибида кузатилади: *Бўроб, Панжоб, Парметан, Фархудиша, Паргар, Палгут, Фангат, Баркўҳ* каби. Наманган вилояти топонимиясида эса шу биргина ойконим таркибида учрайди.

О. Бегимов тадқиқотларида таъкидлаганидек, унинг фонетик қиёфаси ранг-баранг, семантик доираси кенг³. Шунингдек, З. Дўсимов бу формантнинг **вар** сўзига боғлиқлигини кўрсатган⁴.

Ойконим таркибидаги **–мон** форманти ҳам қадимги эроний тилларга мансуб. О.Бегимов фикрича, -мон этимологик жиҳатдан сўғдча *майн - мейн-меин-ме:н-* (*қишлоқ*) сўзига дахлдор⁵. Т. Нафасов ҳам – **мон** формантининг маъносини бир ўринда кўрғон, бошқа ўринда қишлоқ деб изоҳлайди⁶. З.

¹Қаранг: Қирғизов Ю., Акрамов Т. Бир ўлкаки....(Янгиқўрғон тумани тарихидан лавҳалар). Наманган, 1996. 19-бет.

²Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Тошкент, 2000. 210-бет.

³ Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами. НДА. Тошкент, 1999. 14-бет.

⁴ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, 1985. 17-18-бетлар.

⁵ Бегимов О. Кўрсатилган асар. 11-бет.

⁶ Нафасов Т. Кўрсатилган асар. 22-, 210-бетлар.

Дўсимов Гирдман топоними таҳлилида – **мон** Эрон топонимиясида учрайдиган *миён- қишлоқ, марказ, ўрта* элементлари билан алоқадор бўлиши мумкин деган фикр билдиради.

Кузатишларимизга кўра, **-мон** форманти –**ман** //**-мин** каби фонетик вариантлари таркибида кузатилади . *Полмон, Ширамон, Зомин, Гирдман, Гврдман, Хазармон. Говушман* каби. Демак, Паромон ойконими **пар, мон** унсурларидан таркиб топган бўлиб, *юқорида, баландликда жойлашган қўрғон, қишлоқ* деган топонимик маънога эга. Қишлоқ номланиш мотивига кўра геоморфологик ойконимлар гуруҳига мансуб, яъни жойлашиш ўрнинг рельеф хусусиятлари асосида номланган. Фикримизни қишлоқнинг Ўнғор тоғлари этагида, жанубида жойлашганлиги ҳам тасдиқлайди. Ойконим манбаларда, маҳаллий аҳоли нутқида Парамон, Паромон, Поромон каби фонетик вариантларда қўлланади.

*Ўзбек тили ва адабиёти журнали.
2011 йил 5-сон. 106-107-бетлар.*